

Ўзбекистон Президенти МДХ кузатувчилар миссияси раҳбарини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчиларининг мамлакатимиздаги миссиясига бошчилик қилаётган МДХ Ижроия қўмитаси раиси - Ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.

Учрашув аввалида МДХ Ижроқўми раиси давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалабага эришгани билан самимий қутлаб, мамлакатимиз фаровонлиги ва равнақини таъминлаш йўлидаги фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.



Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ва сайлов тартиботларини ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришилгани алоҳида таъкидланди.

МДХ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Ҳамдўстлик маконида, энг аввало иқтисодий йўналишда амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.



Хусусан, ташкилотнинг шу ойда видеоанжуман шаклида ўтказилган юбилей саммити якунида эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Манба